



Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
“Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларидан
фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари
тўғрисида” ги 183-сон қорари ҳақида

Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Ноғиронлиги бўлган
шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини туддан
тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги
ПФ-5270-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ноғиронлиги бўлган
шахсларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиши учун қулай шарт-
шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларидан
фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари
тўғрисида” ги қарори мавзўмўт ва ижро учун қабул қилинсин.

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Автомоторанспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 февралдаги 139-сон қарорига мувофиқ
автомоторанспорт воситалари ва шахар электр транспорт воситалари
ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини
ошириш фаолияти билан давлат таълим муассасалари, шунингдек, нодавлат
таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳужужини берувчи
лицензияга эга бўлган бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилиши
белгилаб қўйилганлиги;

б) ноғиронлиги бўлган шахсларни автотранспорт воситаларини
бошқаришга ўргатиш мазкур қарорнинг I-бандида назарда тутилган
автомоторанспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шугўлланувчи ташкилотлар
томонидан амалга оширилиши;

ноғиронлиги бўлган шахсларнинг фойдаланиши учун республикада ишлаб
чиқарилган енгил автомобиллари махсус ускуналар билан қайта жиҳозлаш
мазкур шахсларнинг буюртмаларига асосан “GM Uzbekistan” АЖ расмий
дилерларининг ихтисослаштирилган сервис марказлари орқали амалга
оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) “Узавтосаноат” АЖ 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ноғиронлиги
бўлган шахсларнинг буюртмалари бўйича республикада ишлаб чиқарилган

“Spark” ва “Matiz” русўмли енгил автомобилларни махсус ускуналар билан
қайта жиҳозлаш учун “GM Uzbekistan” АЖ расмий дилерларининг
ихтисослаштирилган сервис марказларини зарур воситалар ва ускуналар
билан таъминланиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар
вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка
номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқчилигини текшириш
учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми” ни махсус
ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил автотранспорт
воситаларини бошқариш учун ноғиронлиги бўлган шахсларга қўйилдиغان
тиббий мезонларини қиритган ҳолда қайта кўриб чиқиши ҳамда унинг
ижросини ташкил этиши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри ҳокимлиқларига;

- бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар худудларидаги
автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларининг кириши ва чиқиш қулай
бўлган қисмидан белгиланган тартибда тўхтаб туриш жойи умумий
майдонининг қамиди 5 фойзи (қамиди 2 та жой) I ва II гуруҳ ноғиронлиги
бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун
ажратилишини таъминлаш;

- автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан узок ва
ноқулай жойда жойлашган инфратузилма объектлари атрофида I ва II гуруҳ
ноғиронлиги бўлган шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг тўхтаб
туриши учун вақтинчалик тўхтаб туриш жойларини ташкил этиши ва ушбу
жойларга Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори
билан тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларига I-иловага мувофиқ
“5.15. “Тўхтаб туриш жойи” ва “7.17. “Ноғиронлар” йўл белгилари
ўрнатилишини таъминлаш топширилганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги ҳамда “Ўзстандарти” агентлиги билан биргаликда бир ой
муддатда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситаларини
тўхтаб туриш жойларига қўйилдиغان талабларни ишлаб чиқиши ва
белгиланган тартибда амалиётга жорий этилиши;

ж) “Ноғирон ҳайдовчи бошқараётган автомобиль” танкилик белгиси
ўрнатилган автотранспорт воситасини бошқараётган I ва II гуруҳ ноғиронлиги
бўлган шахслар - ноғиронлиқни таслиқловчи тиббий маъдумотномаси
бўлганда;

- 16 ёшгача ноғирон болагаси бўлган ота-оналар (ёки унинг ўрнини босувчи
шахслар) - 16 ёшгача ноғирон бола учун тайинланган тегишли пенсия
гувоҳномаси бўлганда ушбу шахслардан автотранспорт воситаларининг тўхтаб
туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олнимаслиги белгиланганлиги;
э) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва
бошқа манфаатдор вазирлиқлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой
муддатда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб
туриш жойларидан бошқа автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг

фойдаланганлиги учун уларнинг жавобгарлигини ўрнатishi бўйича қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритishi тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритishi тошйриланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”ни маҳсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомап ўзатгичли енгил автотранспорт воситаларини бошқариш учун ногиронлиги бўлган шахсларга қўйилган тиббий меъонларни киритган ҳолда қайта кўриб чиқиб, унинг ижросини ташкил этсин.

4. Шахар ва туманлар ҳокимликлари:

Бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлар ҳудудларидаги автотранспорт воситалари тўхтаб туриш жойларининг кириш ва чиқиш қуввэй бўлган қисмдан белгиланган тартибда тўхтаб туриш жойи умумий майдонининг қамида 5 фойзи (қамида 2 та жой) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари тўхтаб туриши учун ажратилишини;

автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларидан ўзюк ва ноқуввэй жойда жойлашган инфратузилма объектлари атрофида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун вақтинчалик тўхтаб туриш жойларини ташкил этсин ва ушбу жойларга Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йили 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларига I-илповасига мувофиқ “5.15. “Тўхтаб туриш жойи” ва “7.17. “Ногиронлар” йўл белгилари ўрнатилишини тавминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ногиронлиги бўлган шахсларининг автотранспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларига қўйилган талабларни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда амалиётга жорий этсин.

6. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси (К.Назматов), Матбуот ва хабар агентлиги (А.Бекмуратов), Хабар технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Қорақалпоғистон Республикаси Худудий бошқармаси (Т.Бақиев) ушбу қарорнинг маъмуни ва моҳиятини тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёриғиш тавсия этилсин.

7. Вазирликлар ва идоралар, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатга ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жўманов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

К.Сариев